



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 10 ноябрь

Дўстлик шаҳри

4-1304-2202/2368-сонли иш

Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг судьяси О.Эргашевнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Розматовнинг котиблигида, даъвогар SANGZOR-BIZNES PARRANDA масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг, жавобгар MURODJON-RAYIM DALASI фермер хўжалигига нисбатан қарздорликни ундириш юзасидан берган даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни даъвогар SANGZOR-BIZNES PARRANDA масъулияти чекланган жамияти вакили Ў.Пирназаров (ишончнома асосида)нинг иштирокида, Дўстлик пахта тозалаш акциядорлик жамияти биносида ўтказилган очик сайёр суд мажлиси муҳокамасида, иш хужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

SANGZOR-BIZNES PARRANDA масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда даъвогар) ва MURODJON-RAYIM DALASI фермер хўжалиги (кейинги ўринларда жавобгар) ўртасида 2022 йил 07 сентябрь куни бошоқли дон харид қилиш бўйича фьючерс шартномаси тузилган бўлиб, шартномага кўра жавобгар давлат стандартлари бўйича буғдой бошоқли дон маҳсулотини топшириш, даъвогар эса жавобгарни шартномада белгиланган бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятларини олган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 2.2-банди з) кичик бандида жавобгар даъвогардан йил мобайнида бўнак сифатида олинган барча уруғлик, материаллар, эҳтиёт қисмлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар, шунингдек олинган аванс маблағларни, банк кредити учун ҳисобланган фоизларни тўлаб бериши, яъни ғалла ҳосили якуний ҳисоб-китобидан ушлаб қолиш орқали тўлаб бериши белгиланган.

Шартнома шартлари даъвогар томонидан бажарилган бўлиб, жавобгар бошоқли дон маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиши учун зарур маҳсулотлар билан таъминланган бўлсада, жавобгар олинган маҳсулот (уруғлик) ҳақини тўлаб бермаслиги натижасида 27061000 сўм қарздорлик юзага келган.

Даъвогар томонидан қарздорликни ўн кун ичида тўлаб бериш юзасидан жавобгарга талабнома юборилган. Бироқ, даъвогарнинг талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.



Шундан сўнг даъвогар манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят худудий бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 27061000 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили Ў.Пирназаров тушунтириш бериб, даъво аризасидаги асос ва важларни қувватлаб, судга даъво аризаси киритилганидан сўнг жавобгар томонидан қарздорлик қисман бартараф этилганлигини маълум қилиб, жавобгардан 10048535 сўм асосий қарзни ундириб беришни сўради.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят худудий бошқармаси ва жавобгар вакил иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси учинчи қисмига асосан ишни Палата ва жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб, даъвогар вакилининг тушунтиришини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ушбу кодекс 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Демак, ушбу шартномада мажбуриятни бажариш шартлари тарафлар ўртасида келишилган бўлиб, даъвогар қарздордан ўз манфаатларига тегишли мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Даъвогар томонидан жавобгарга шартнома асосида бошқоқли дон етиштириш учун маҳсулотлар етказиб берилганлиги, ушбу етказиб берилган маҳсулот учун жавобгарнинг қарздорлиги тарафлар ўртасида тузилган шартнома, ҳисоб-фактуралар ва ишдаги мавжуд бошқа ҳужжатлар билан ҳам ўз исботини топади.

Суд муҳокамасида даъвогар вакили томонидан судга тақдим этилган маълумотномадан кўринишича, суд мажлиси кунига қадар жавобгар томонидан қарздорлик қисман бартараф этилган бўлиб, 2022 йил 10 ноябрь ҳолатига жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарзи 10048535 сўмни ташкил этади.

Бундай ҳолатда, суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, даъвогар манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят худудий бошқармасининг жавобгардан 27061000 сўм асосий қарз ундириш талабини асосли деб ҳисоблайди, лекин даъвогарнинг талаби у судга мурожаат қилинганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қисман қаноатлантирилганлигини инобатга олиб, жавобгардан даъвогар фойдасига



10048535 сўм асосий қарзни ундиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади, бешинчи қисмига кўра эса, даъвогарнинг талаблари у судга муурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Суд мазкур ҳуқуқ нормасига асосан ишни судда кўрилиши билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 113, 118, 176-180, 186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар MURODJON-RAYIM DALASI фермер хўжалигидан даъвогар SANGZOR-BIZNES PARRANDA масъулияти чекланган жамияти фойдасига 10048535 сўм асосий қарз ва олдиндан ихтиёрий тўланган 24000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар MURODJON-RAYIM DALASI фермер хўжалигидан Республика бюджетига 541220 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар бир ой муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг апелляция инстанциясига шикоят (протест келтириши) бериши мумкин.

Судья

О.Эргашев

